Хорижлик олимлардан С.Карбонье, Л.Дюги, И.Бентам, Д.Джеймс. Гавартни, Ричард Л.Строуп, П.Р.Милгром, Ж.Робертс, Р.Евершед, Р.Е.Медарри, Ж.де ла Морандьер, Л.Эннекцерус, С.Н.Чуенг, Х.Демсетц, Фахед Ахмед Халафлар мавзу предмети доирасида излланганлар. С.Карбонье, У.Маттеи ва И.Бентамлар – мулк муносабатлар ва мулк ҳуқуқининг асосларини, К.Санстейн ва Г.Шварц – ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши, уларнинг айрим хусусиятлари, ривожланиши ва қонунчиликга жорий этилишини, К.Пуркуер ва Л.Чантурия – хусусийлаштиришда давлатнинг роли, мулк ҳуқуқининг кафолатлари ва ҳимояси ҳамда мулк ҳуқуқининг муддатсизлигининг айрим хусусиятларини, Фахед Ахмед Халаф – Иордания қонунчилиги бўйича фуқароларнинг мулк ҳуқуқи асосларини ўрганганлар.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари хорижий давлатлар қонунчилиги нуқтаи назаридан ўрганилганлиги, республикамизда мулк

муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни назарий ва амалий муаммоларини соҳага оид қонун ҳужжатлари асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг 2019 йил 30 январдаги 6-сонли мажлис баённомаси (3-масала) қарори билан тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги миллий ҳуқуқ тизимидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг зарурий қисми сифатида мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш хусусида тизимли таҳлилни ўтказиш;

мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ этиш ва шу асосда амалдаги қонунчилик нормаларига таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш;

мулкдор ҳуқуқларининг ривожланиш тенденцияларини ҳамда мулк ҳуқуқининг қонуний кафолатларини танқидий таҳлил этиш ва ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

мулкка эгалик қилиш, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва мулкни тасарруф этиш, мулк ҳуқуқини амалга ошириш чегараларини аниқлаш ва мулк ҳуқуқини чеклаш масалаларини таҳлил қилиш ва бугунги кундаги аҳволини ўрганиш;

мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатлари тизимини таҳлил қилиш, уларнинг ҳуқуқий табиати, амалга ошириш тартибини тадқиқ этиш ва унинг натижасида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини такомиллаштириш борасида таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

олиб борилган тадқиқотларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонунларнинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш;

тадқиқот мавзуси доирасида халқаро, хорижий ва миллий норматив-ҳуқуқий манбаларни қиёсий таҳлил қилиш орқали уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини

такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик, судхорижий давлатларнинг қонунчилиги ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормалар, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, социологик усуллар (анкета сўровлари, интервью ва ҳ.к.), мантиқийлик ҳамда суд амалиётида кўрилган ишлар, статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш натижасида таклифлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ноқонуний ҳужжат қабул қилинганлиги ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги натижасида мулкдорга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни кўришда суд даъвогарнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриши шартлиги ҳамда даъвони таъминлаш чораларини белгилаш асослаб берилган;

хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида мол-мулкни хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилганда прокурорнинг розилиги олиниши шартлиги тўғрисидаги таклиф ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга ҳилоф равишда талаб қилиб олиш каби хатти-ҳаракатлар учун айбдорларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш лозимлиги асослаб берилган;

давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан боғлиқ муносабатларда мулкдор ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликда белгиланган солиқ, божхона имтиёзларини барча тадбиркорлик субъектларига, уларнинг ёзма мурожаати берилмасдан туриб қўлланилиши таъминлаш, шунингдек, давлат органлари берилган имтиёзларни қўлланилишини тушунтириши ҳамда ижросини таъминлаши асослаб берилган;

хусусий мулк кафолатларини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида олиб қўйилаётган мол-мулкни қийматини баҳолаш бўйича ягона тартибни, яъни ер

участкалари, бошқа мол-мулкни унинг қонуний эгасидан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳолатларини аниқ кўрсатиш, тенг қийматли бошқа ер участкасини тақдим этиш, бозор қиймати билан тенг бўлган дов-дарахт жойлашган бошқа мол-мулкни бериш, шунингдек давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг мазмун-моҳиятини Фуқаролик кодексида очиб бериш лозимлиги, асослаб берилган;

“мулк ҳуқуқини амалга ошириш”, “мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш”, “мулк ҳуқуқини чеклаш ва чегаралиш”, “мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг ташкилий-сиёсий кафолатлари”, “қонунчилик барқарорлиги” каби муаллифлик тушунчалари ишлаб чиқилиб, илгари сурилган. Шунингдек, “эгаллик қилиш”, “фойдаланиш” ва “тасарруф этиш” каби мулкдорнинг ваколатларининг қонунчилик талқини ишлаб чиқилган;

ушбу масалани тартибга солувчи халқаро ва миллий қонунчилик нормаларини тавсифи асосида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги даъвони тақдим этиш, мулкдор ваколатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келган тўсиқларни бартараф этишга қаратилган негатор даъвони кўзғатиш каби ва бошқа таклифлар ишлаб чиқилган;

мулк ҳуқуқи элементларини бўлиб ташлаш, яъни мулкдорнинг мавжуд ваколатларидан ташқари бошқа ваколатларни вужудга келтириш каби хулосаларни асоссизлиги, мулк ҳуқуқи абсолют ва ўзгармас ҳуқуқ эканлиги исботлаб берилган;

халқаро тажрибани ўрганиш асосида мулк ҳуқуқини, инвесторларни ҳуқуқларини, қўлай инвестицион муҳитни шакллантиришни тартибга солувчи қонунчиликни барқарор бўлиши каби ва бошқа таклифлар илгари сурилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг оқибати ва бу учун жавобгарликнинг вужудга келиши қоида тариқасида Фуқаролик кодекси нормалари билан тартибга солиниши ҳақидаги қоидалар билан тўлдириш таклифи илгари сурилмоқда;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларига фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини оғирлаштирувчи ёки улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкловчи янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, унинг кучга кириш муддатини ҳамда уларнинг орқага қайтиш кучга эга эмаслиги тўғрисидаги қонуннинг киритилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳуқуқий муҳофазасини янада ишончли таъминлашга ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 206-моддасига мулкдорнинг мулк ҳуқуқини тугатишга олиб келадиган қарорга норози бўлган ҳолатда суд ушбу қарорнинг қонунийлиги ва асосийлигини текшириб, низони ҳал қилмагунга қадар мулк ҳуқуқини бекор қилиш

тўғрисидаги қарор қонуний кучга кириши тўхтатиб турилишига оид кўшимчанинг киритилиши мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тартибини ҳамда мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий кафолатлари тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасига мулкдор билан давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда мулкдор ҳуқуқининг устуворлиги принципи амал қилиши ҳамда хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига ҳал этилиши тўғрисидаги қонуннинг киритилиши мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини, тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга ҳамда хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 857-моддасидаги ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкга нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширишни белгиловчи нормаларни чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 849-моддаси иккинчи қисмидаги «Мол-мулкни ишончли бошқарувчига топшириш бу мол-мулкга мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди» сўзларидан кейин эса, қўйидаги сўзлар билан тўлдириш таклифи, яъни «у мулкдор ёки у кўрсатган учинчи шахс манфаатида мол-мулкни бошқаришни амалга ошириш лозим» қоидалари мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

қонунчилик ҳаётда тез-тез учраб турадиган айрим жисмоний, юридик шахслар томонидан қўшни уйларга газ, чанг, ёқимсиз ҳид, шовқин-сўрон ёки силжишлар, қўшниларнинг розилигисиз бинони қуриш каби зарарли таъсирлар ўтказишдан ҳимояланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларида негатор даъвосини шартлари сифатида қўшни участкасига газ, чанг, ёқимсиз ҳид, шовқин-сўрон ёки силжишлар, қўшниларнинг розилигисиз бинони қуриш каби зарарли таъсирларга оид қоидаларни киритилиши мулк ҳуқуқини амалга ошириш борасида юзага келган тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мулкдор фаолиятидаги у ёки бу мол-мулкга бўлган ҳуқуқни тан олиш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек чет эл давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласига оид Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 19-бобида мулкдор ўзининг мулк ҳуқуқини талаб этиш ҳуқуқига эга эканлигини ақс эттирувчи алоҳида моддани киритиш мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўрови шакллари

асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларининг илмий-назарий таҳлили асосида олинган натижалар ушбу йўналишдаги методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришда, шунингдек, суд органлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солиниши бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 206-моддаси ва Хўжалик процессуал кодексининг 76-77-моддаларига давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ноқонуний ҳужжат қабул қилинганлиги ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни кўришда суд даъвогарнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриши шартлиги ҳамда даъвони таъминлаш чораларини давлат органининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш билан тўлдириш тўғрисида кўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати 05.04.2016 й., 14-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддаси бешинчи қисмига мол-мулкни хатлаш суриштирувчининг ёки терговчининг қарори бўйича ўтказилганда прокурорнинг розилиги олинishi (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 05.05.2016 й. 1-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада

кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни жадал ривожлантиришга, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг жиноят-процессуал муҳофазасини янада кучайтиришга ҳисса қўшган;

Жиноят кодексининг 192<sup>3</sup>, 192<sup>4</sup> ва 192<sup>8</sup>- моддаларига, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш каби хатти-ҳаракатлар учун жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 05.05.2016 й. 1-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни жадал ривожлантиришга, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилган;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига ва 241<sup>6</sup>, 241<sup>8</sup>, 241<sup>9</sup>, 241<sup>10</sup>-моддаларига маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш асослари ва тартибини аниқлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш каби ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш тўғрисидаги қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 05.05.2016 й. 1-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни жадал ривожлантиришга, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 19-

моддасига олиб қўйилаётган мол-мулкни қийматини баҳолаш бўйича ягона тартибни жорий этиш тўғрисида қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 06.05.2016 й. 02-07/179-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни жадал ривожлантиришга, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 25-моддаси ва 30<sup>1</sup>-моддасига ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйишда етказилган зарарнинг ўрнини тўла ҳажмда қоплаш ҳақида ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг кафолатларига оид коидалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 06.05.2016 й. 02-07/179-сонли далолатномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни жадал ривожлантиришга, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилган.

Мулкдорга тегишли бўлган, аммо унинг хабарисиз ва рухсатисиз фойдаланилган ҳамда жиноят кўроли деб топилган мол-мулкни олиб қўйилиши ва мусодара этилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2017 йил 16 октябрдаги ЎРҚ-448-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги»ги Қонунини кўриб чиқишда қабул қилинган. Шунингдек, Хўжалик процессуал кодексининг 76-моддасига давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ноқонуний ҳужжат қабул қилинганлиги ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни кўришда суд даъвогарнинг аризаси бўйича даъвони таъминлаш чораларини кўриши шартлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2018 йил 24 апрелдаги ЎРҚ-461-сонли «Ўзбекистон

Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги»ги Қонунини кўриб чиқишда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати 26.04.2019 й., 16-сонли далолатномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан 3 та монография, 18 та мақола (4 таси хорижий нашрларда), 8 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича мулк ҳуқуқининг мазмуни, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш**» учта параграфдан иборат. «*Мулк ҳуқуқини амалга оширишининг муҳим таркиби сифатида мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари*» деб номланган биринчи параграфда мулк тушунчасига оид бир қатор олимларнинг илмий ғоялари таҳлил қилинди. «Мулк» тушунчасига қўйидагича таъриф берилмоқда: «Мулк тарихан ривожланаётган муносабат сифатида жамиятда ҳар хил оदारлар, гуруҳлар, ижтимоий қатламлар, давлат ва бошқалар ўртасида моддий бойликларнинг тақсимланишидир. У ёки бу мулкдорга тегишли бўлган мулк объектини ташкил қилувчи ёки тегишли шахсининг мол-мулки ҳисобланган моддий неъматларнинг мажмуаси бўлгани сабабли мулкнинг муносабат сифатида таърифланади».

Муаллиф ўз ишида мулкнинг иқтисодий жиҳатларини аниқлаб қўйидаги узвий боғлиқ бўлган элементларини белгилаб беради: маълум шахс томонидан маълум мол-мулкни ўзлаштириш билан ифодаланадиган одамлар ўртасидаги муносабатлар; шахсининг маълум мол-мулкга нисбатан ўз мулки сифатида муносабатда бўлиши; мулкдорнинг мол-мулкга нисбатан ўз

хошиши ва манфаати йўлида муносабатда бўлиш; мулк эгаси томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва манфаатларига риоя этиши; ўзлаштирилган мулкга нисбатан бошқа шахсларнинг ўзга мол-мулкга нисбатан муносабатлари; мулкдорнинг мулкига тажовуз қилиш, уни фойдаланишда учинчи шахслар томонидан тўсқинлик қилишига йўл қўйилмаслиги ва бошқалар.

Мулк ҳуқуқи амалга оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ўрганиш давомида муаллиф уларга қўйидагиларни киритмоқда: эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи; мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш орқали бошқариш ҳуқуқи (траст); мулк объектдан фойдаланиш, жумладан мол-мулкни ижарага бериш йўли орқали даромад олиш ҳуқуқи; мажбурий национализациядан мулкни ҳимоя қилиш; мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги, жумладан, мерос ёки васият бўйича ашёнинг ўтиши.

Шунингдек, мулк ҳуқуқи тушунчасига таъриф беримокда: «Мулк ҳуқуқи моддий бойликларнинг маълум шахсларга тегишлилигини белгиловчи, мустаҳкамловчи ва ҳимоя қилувчи юридик нормалар тизими бўлиб, мулкдорнинг ўзлаштирган мол-мулкига нисбатан тўлиқона эгалик қилиш, ўз манфаатлари йўлида ўз хошишига кўра унинг мазмуни ва фойдаланиш йўналишларини аниқлаш, унинг мўлжалидан келиб чиқиб унга нисбатан қонун йўл қўядиган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини беради».

*«Мулк ҳуқуқини амалга ошириш фуқаролик-ҳуқуқий моделларининг айрим жиҳатлари тўғрисида»*ги иккинчи параграфида мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳар ҳил моделлари таҳлил қилинди. Тадқиқотчининг қиёсий таҳлили асосида мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳар ҳил фуқаролик-ҳуқуқий моделларини бирлаштириш орқали қўйидаги туртта турини белгилаш мумкинлигини кўрсатади: 1) ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини белгиловчи нормалар; 2) мулк ҳуқуқини олиш ва тугатишга оид нормалар; 3) мулкдор ҳуқуқи тавсифи ва мазмунини белгиловчи нормалар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи объектнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи нормалар; 4) мулк ҳуқуқи субъектининг бошланғич ҳуқуқий ҳолатини, унинг ашёсига дахлдор бўлиши мумкин бўлган келгусидаги муносабатларда иштирок этиш мумкин бўлиши билан боғлиқ қатъий белгиловчи нормалар.

Шу билан бирга, мулк ҳуқуқи моделларининг ўтказилган таҳлили асосида мулк ҳуқуқининг элементар моделини аниқлашга ўринмоқда ва қўйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтади: а) мулкдорга ашё тегишлилигининг фуқаролик-ҳуқуқий таъминланишига қаратилган мулк ҳуқуқи ҳимоясига бағишланган нормаларнинг мавжудлиги, бунда мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш қоидалари асосий ўринни эгаллайди; б) мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга мулк ҳуқуқининг объекти бўлмиш ижтимоий муносабатлар иштирокчиларини белгиловчи мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиш

ва тугатиш усули тўғрисидаги қоидалар; в) мулк ҳуқуқи субъектининг келгулисида вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бирламчи ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи нормалар. Ушбу мулк ҳуқуқи унга эгаллик қилувчи томонидан амалга оширишнинг тартиб ва чегарасини белгилайди.

«*Хозирги шароитда мулкдор ҳуқуқларининг мазмуни*» деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфда миллий ва чет эл фуқаролик қонунчилиги нормалари, олимларнинг доктринал кўз-қарашлари ҳамда мулкдор ҳуқуқларининг замонавий тенденциялари таҳлил қилинди. Қонунчилик ва ҳар хил назарий кўз-қарашларнинг таҳлили асосида қўйидагича хулосалар қилинди: *биринчидан*, ҳар хил олимлар мулк ҳуқуқининг мазмунини аниқлашда унинг юридик ҳуқуқларини «талаб қилиш ва уни қўлланганда ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлиш» ҳамда «бошқариш ҳуқуқи» каби ҳуқуқлар билан тўлдиришга ҳаракат қилади, ва бу ҳаракатларнинг тагида ҳеч қандай назарий-ҳуқуқий асослар йўқ, чунки, ушбу «ҳуқуқлар» фақат унда бор ҳуқуқларни амалга оширишнинг усуллари ҳисобланади, яъни субъектив мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг шакллари дир; *иккинчидан*, миллий қонунчилик таҳлили мулк ҳуқуқини унинг эгаси бўлмиш мулкдор томонидан ўз мол-мулкни эркин ва тўсиқларсиз тасарруф этиш ҳуқуқинг қўшимча қафолатлар бериш орқали кўчайтириш зарурияти борлигини исботламоқда. Мулкдорлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда сулк ҳуқуқини амалга оширишда тўсиқларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддаси бешинчи қисмига суриштирувчи ва терговчи томонидан мол-мулкни ушлаб туриш фақат прокурорнинг санкцияси орқали амалга ошириш механизмларини жорий этиш таклиф этилмоқда; *учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинчалик – ФК) 164-моддасида келтирилган мулк ҳуқуқи тушунчасига таъриф, хусусан эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ қисми мутлоқ тўғри ва ҳеч қанақа қўшимчалар киритиш талаб этилмайди.

Мазкур бобнинг «*Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг муҳим шартли сифатида мулк ҳуқуқининг қонуний қафолатлари*» деб номланувчи тўртинчи параграфда мулк муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг таъсирчан қафолатларини белгилаш ва мустаҳкамлаш ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш муаммолари таҳлил қилинди.

Муаллиф ишда мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг қафолатларига қўйидаги элементларни киритади: 1) мулк ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилувчи юридик нормаларни мустаҳкамлаш; 2) давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек барча учинчи шахсларнинг мулк ҳуқуқини тўсиқларсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича мажбуриятларини белгилаш; 3) ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишни таъминловчи махсус нормаларни белгилаш; 4) мулкдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий, дисциплинар, маъмурий ёки жиноий каби юридик

жавобгарликга тортилиши; 5) давлат ва нодавлат органлар фаолиятининг йўналиши сифатида мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш; 6) мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг кафолатларини қўшимча равишда қонуний тартибга солиш зарурияти.

Мазкур параграфда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва маъмурий, божхона қонунчилиги нормалари ўртасидаги номувофиқлар таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқ мулкдор мол-мулкни мусодара қилиш ёки текинга олиб қўйиш суд қарори асосида амалга оширилади. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинчалик – МЖтК) ва Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (кейинчалик – БК)нинг мол-мулкни мусодара қилиш, хусусан, мулкдор орган қарори билан мол-мулкга бўлган ҳуқуқдан айрилиши масаласини тартибга солувчи нормалари ФКнинг 204-моддасига қарши келмоқда. Шу сабабли, муаллиф МЖтК ва БК нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида мусодара фақат суднинг қарори асосида амалга оширишни белгилаш бўйича ўзгартишларни киритишни таклиф этмоқда.

Диссертант қабул қилинган қонун нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги айрим муаммоларини кўрсатиб ўтар экан, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини берувчи, шунингдек мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг самарасини таъминлаш мақсадида ФКнинг 206-моддасига («Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши»), «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси («Мулкдорнинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари») иккинчи қисмига, 19-моддаси («Мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари») олтинчи қисмига, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 25-моддаси («Товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилганлигининг бекор қилиниши, товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома амал қилишининг тугатилиши») тўртинчи қисмига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этмоқда. Тадқиқотчининг фикрича ушбу нормаларни мазкур қонунларда акс эттирилиши уларнинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини ва муаллақ қонунлар доирасидан чиқишини таъминлайди.

**«Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларининг умумий тасвифи»** деб номланувчи иккинчи бобида мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларининг назарий ва амалий муаммолари, мулк ҳуқуқини амалга

ошириш чегараси ва чекланиши, уни ҳимоя қилишни фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларининг миллий ва хорижий тажрибаси таҳлил қилинди.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари: назария ва амалиёт муаммолари*»да ўрганилаётган масала бўйича олимларнинг фикрлари таҳлил қилинди. Мулкдорнинг ўз ҳаракатларини амалга ошириш имконияти унинг ҳуқуқлари мазмунининг моҳияти ва маъноси бериши аниқланди, шунинг учун ҳам субъектив ашёвий ҳуқуқ мажбуриятга эга одамни маълум ҳаракатни амалга оширишга чақиради, асосийси мулкдор ўзига тегишли бўлган субъектив ҳуқуқларни учинчи шахслар томонидан тўсиқларсиз ва бузилмасдан амалга ошириш мумкинлиги. Бир вақтнинг ўзида мулкга нисбатан субъектив ҳуқуқ мажбуриятга эга шахслар томонидан маълум хатти-ҳаракатни амалга оширишни таъминловчи юридик восита ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, субъектив мулк ҳуқуқининг ҳуқуқий тегишлилик ҳолатида амалга ошириш мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан ҳаракатини қарама-қарши шахстан келишилган ҳолда амалга оширишни талаб этмайди. Мулк ҳуқуқини тўлиқ ва тўсиқларсиз амалга ошириш маъно ва моҳиятининг юқорида қайд этилган асосий категориялари мулкдорнинг мулкга нисбатан ўз ҳуқуқини ихтиёри, хоҳш-иродаси ва манфаатидан келиб чиқиб, ҳеч қанақа шахс билан келишилмаган ҳолда амалга ошириш мумкинлигидан далолат беради.

Муаллиф ушбу масалада мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларининг мақсад ва вазифалари мулкдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш ҳамда МЖТК ва Жиноят Кодекси (кейинчалик – ЖК) билан боғлиқ бўлгани, ушбу тадқиқотнинг хулоса ва тавсияларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ амалга ошириш учун махкур кодекс нормаларида қўйидаги жавобгарлик чораларни белгилаш тавсия этади: тадбиркорлик субъектларини ҳайрия ва пул маблағларни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ноқонуний жалб қилишга қаратилган тадбирлар учун; хусусий мулк ҳуқуқини бузгалик учун; руҳсат бериш таомиллар ва лицензиялаш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун; имтиёз ва преференцияларни қўллашни ноқонуний рад этиш ёки тўскинлик қилиш; хўжалик субъектларига пул маблағларини ажратишни асоссиз тўхтатиб туриш.

Ушбу ҳолатни ёритишда диссертант томонидан тадбиркорлик субъект ҳуқуқи ҳисобланган унга берилган имтиёз ва преференциялар ҳақидаги маълумотни олиш ҳуқуқини таъминлаш таҳлил қилинди, ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларига давлат органлари қонун билан белгиланган имтиёз ва преференцияларни қўллаш тартибини тушинтириш, шунингдек қўллашни таъминлаш мажбуриятларини юклаш таклиф этилди.

Ушбу параграфда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юридик кучи юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги нормаларининг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг

207-моддасини учинчи қисм билан тўлдириш, яъни мулкдор билан давлат органлари юидан ўзаро муносабатларда мулкдор ҳуқуқининг устуворлиги принципи амал қилади, бунга мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига ҳал этилади ва ушбу ҳолат Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мос келмоқда.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида «*Ҳозирги замонда мулк ҳуқуқининг чегараси ва чекланишини*» мулк ҳуқуқини қонунга қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Диссертант аҳолининг кам таъминлаган қатлами ҳуқуқ ва манфаатларини камситишини олдин олиш мақсадида, хусусий манфаатнинг жамият манфаатидан устуворлиги мулк ҳуқуқининг ижтимоийлашувига олиб келиши мулк ҳуқуқининг чегараси ва чекланишининг қонуний мустаҳкамланиши, яъни мулкга қарата мумкин бўлган ҳатти-ҳаракат чораларини белгилашга олиб келади. Аналогик ёндашув Германия ФКнинг §226, Швейцария ФКнинг 684-моддас, Чехия ФКнинг §127, 1013, Озарбайжон ФКнинг 170-моддаси, Грузия ФКнинг 174-182-моддалари, Молдова ФКнинг 377-394-моддалари, Латвия ФКнинг 1090-1091-моддалари, ХХРнинг «Мулк ҳуқуқи тўғрисида»ги Қонунинг 89-90-моддалари ва бошқаларда учрайди.

Шу муносабат билан, муаллиф қўйидаши ҳулосага келади, яъни ижтимоий ноқулайликлар қўйилаги ҳолатларда белгиланиши мумкин: 1) хусусий манфаатлар йўлида, хусусан кўшничилик ҳуқуқида, яъни мулкдор кўшнининг ўз ер участкасидан фойдаланишда салбий таъсирини унга нисбатан ҳеч қандай мулкый зарар келтирмаса ҳам чидаш мажбур; 2) сервитутни белгилаш орқали мулкдорнинг мол-мулкидан кўшниси чекланган ҳолда фойдаланишга йўл қўйиш мажбур, яъни ўзини чеклаш. Ушбу тўсиқларни бартараф этиш йўлда мулкдор негатор даъво аризасини бериш орқали ушбу тўсиқларни йўқ қилишни амалга ошириш мумкин; 3) шахс, жамият ва давлат, атрофдагиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқалар манфаати йўлида. Мулк ҳуқуқий муносабаталар субъектлари, шунингдек фуқаролик муомалада чекланиши мумкин бўлган моддий дунёнинг объектлари.

Иккинчи бобнинг «*Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишининг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари: миллий ва чет эл тажрибаси*» деб номланувчи учинчи параграфида муаллиф конституциявий қонунлар, қатор чет эл давлатларининг фуқаролик қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш асосида қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ишлаб чиқади: *биринчидан*, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишни тартибга солувчи ФКнинг 19-моддасида мулкдор ўз ҳуқуқларин тан олишни талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаг норман алоҳида модда сифатида кўрсатишни; *иккинчидан*, ЖПКнинг 211-моддаси («Жиноят ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар») биринчи қисми биринчи хатбошисини

қўйидаги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда, яъни агар у ёки бу ашё (мол-мулк) унинг эгасига билдирмасдан ва розилигисиз жиноят қуроли сифатида фойдаланилган бўлса, у мусодара қилинмайди, тегишли ташкилотга юборилмайди ёки йўқ қилинмайди; *учинчидан*, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш масалаларини ҳуқуқнинг аниқ соҳалари бўйича ажиратиш мақсадида ФКнинг 3-моддаси иккинчи қисмини қўйидаги норма билан тўлдириш талиф этилади, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг оқибати ва бу учун жавобгарликнинг келиши қоида тариқасида ФК нормалари билан тартибга солинади; *тўртинчидан*, давлат органининг мулк ҳуқуқини бевор қилиш тшғрисидаги қарорининг қонунийлиги ва асосийлигини таъминлаш мақсадида ФКнинг 206-моддаси («Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бевор қилиниши») тўртинчи қисмини қўйидаги норма билан тўлдириш таклиф этади, мулкдорнинг мулк ҳуқуқини тугатишга олиб келадиган қарорга норози бўлган ҳолатда суд ушбу қарорнинг қонунийлиги ва асосийлигини текшириб низо ҳал қилмагунга қадар қарор амалга оширилмайди.

Диссертациянинг «**Бозор муносабатларда мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиши учун зарурий шароитларнинг шаклланиши ва ривожланиши**» деб ноиланувчи учинчи боби учта параграфдан иборат. Биринчи параграф «*Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг муҳим шарт сифатида ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар*» деб номланиб, унда мулк ҳуқуқини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кўчайттиришга қаратилган ташкилий-сиёсий асослари таҳлил қилинди.

Муаллифнинг фикрича фуқаролик жамиятни қуриш учун бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш; барча мулк ҳуқуқини муносабатларни қонунийлаштириш, мулк шакллари кўпайттириш, улар асосида иқтисодий эркинлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулк ҳуқуқини сўзсиз тан олиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш; ҳокимиятнинг барча бўғинларини демократлаштириш, ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлиги принципи асосида ҳуқуқий давлатни янада ривожлантириш; ҳамманинг қонун ва одил суд олдида тенглиги, давлатнинг хусусий мулкга аралашмаслиги, инсонларнинг муносиб турмуш тарзига етиши ва бошқалар.

Тадқиқотнинг учинчи боби иккинчи параграфи «*Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида Ўзбекистонда бозор муносабатлари тизимининг фаолият юритиши*»га бағишланган бўлиб, унда бозор муносабатлари тизимининг фаолият юритиш ва хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишда фуқаролик-ҳуқуқий қонунчиликнинг роли ва ўрни таҳлил қилинди.

Диссертант мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатлари таъминланишининг зарурий асосини бозор муносабатлари тизими, уни ташкил этувчи барча қисмлари, яъни инфратузилмаси фаолияти деб ҳисоблайди. Айнан шу сабабли диссертант бозор муносабатларни ривожлантиришнинг айрим муаммоли жиҳатларини санаб ўтади, хусусан қонунчилик ҳужжатларида тенглик принципининг вазият ва шахсга қараб

сайлаю ёндашиши мулк ҳуқуқини тартибга солишда ноаниқликларни вужудга келтиради. Аниқ, бир маъноли ва камситишга йўл қўймайдиган қонунларни яратиш ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Бошқача тартибнинг мавжудлиги мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг асосий тўсиғи бўлиб қолади.

Ушбу бобнинг «Қонунчиликнинг барқарорлиги – мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг асосий омили» деб номланувчи учинчи параграфда фуқаролик қонунчилиқни такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлар илгари сурилди. **Биринчидан.** Муаллиф ФКнинг 4-моддасига янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳолатига жиддий ўзгаришлари олиб келувчи қоидалар (унинг айрим қисмлари)нинг кучга кириш муддатини кўрсатишни белгиловчи қўшимчалар киритиш таклиф этади. Шу сабабли, мазкур модданинг биринчи қисмига агар, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини оғирлаштирувчи ёки қўшимча мажбуриятларнинг белгиловчи ҳолат юз берса, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучга эга эмаслиги ҳақида норма киритиш таклиф этилди. **Иккинчидан.** Тадқиқотчи томонидан ФКнинг 4-моддасини тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди. Унга кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш таомилларининг оғирлашуви ва унинг иштирокчиларига янги мажбуриятларнинг юклашда, шунингдек, уларга нисбатан жавобгарликнинг янги чораларини белгилашга уларнинг (ёки уларнинг қисмлари) кучга кириш муддати кўрсатилиши шарт. Мазкур модданинг амалдаги тўртинчи қисмини тегишли равишда бешинчи қисм сифатида ўзгартириш таклиф этилди. **Учинчидан.** ФКнинг 207-моддасини («Хусусий мулк ҳуқуқи») хусусий мулкни амалга оширишда давлат ва бошқа органлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан ноқонуний аралашувига йўл қўймасликни белгиловчи тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди. Шунингдек, давлат органи, ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ноқонуний қарор (ҳужжат) қабул қилиниши ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан содир этилган ноқонуний харакати (харакатсизлик) натижасида мулкдорга етказилган харарни қоплаш кафолатларини таъминлаш мақсадида ХПКга даъвогарнинг аризаси бўйича таъминлаш чораларини кўриш шартлилигини белгиловчи нормалар киритиш таклиф этилмоқда. **Тўртинчидан.** Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг кўрсатишича амалга оширилаётган солиқ ва монетар сиёсатнинг ўзига хос хусусияти айрим корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзлари кўринишидаги манзилли солиқ имтиёзларини тақдим этишда намоён бўлади. Бу каби сиёсат товар бозорининг монополлашувига ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан муаллиф ушбу амалиётдан қочган ҳолда солиқ имтиёзларни фақат айрим корхоналарга эмас, балки барча товар ишлаб чиқарувчилар ушбу имтиёзлардан фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши учун бутун соҳа ёки алоҳида товар турига қўллашни таклиф этмоқда.

**«Мулқдор ҳуқуқлари амалга оширишнинг долзарб муаммолари»** деб номланувчи диссертациянинг тўртинчи бобида мулкни эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ муаммоли масалалар таҳлил қилинди.

Мазкур бобнинг *«Мулкий муносабатларда эгаллик қилишни амалга ошириш моҳияти ва муаммолари»* деб номланувчи биринчи параграфда мулк ҳуқуқида эгаллик қилиш тушунчаси, моҳияти, зусусияти ва ҳар ҳил назарий ёндашувлар ўрганилди. Ушбу параграфда таҳлил асосида ФК нормаларидаги мулк ҳуқуқи тақдири билан боғлиқ ноаниқликларни бартараф этиш, мулк эгалари ҳуқуқларида ноаниқликларни вужудга келиши натижасидаги салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида ЎЗР ФКнинг мулк ҳуқуқига эга бўлишга оид нормаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Хусусан, ФКнинг 185-моддаси биринчи қисмини мулк ҳуқуқи инсофли эгалловчида ФКнинг 229-моддасида белгиланган мулкдорнинг даъвосини рад этиш учун асосларнинг мавжуд бўлган тақдирда пайдо булишини таклиф этилди.

Бундан ташқари, ФКнинг 197-моддасини мулк ҳуқуқини йўқотиш тўғрисидаги қоидалар билан тўлдиришни, яъни «шунингдек, мулк ҳуқуқи тугатилади, агар мулкдор ФКнинг 229-моддасида белгиланган асосларда мулкни қайтириб олиш мумкин бўлмаса» асослаб берилди. Шу билан бирга, ушбу моддада мулк ҳуқуқи мулкдорнинг мол-мулкни тақдирини ҳал қилишга қаратилган бир томонлама қарор қабул қилиши орқали ҳам тугатилиши белгиланган. Аммо, Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқини тугатилишининг ушбу турининг мазмун-моҳияти очиқ берилмаган, шунга қўра, Фуқаролик кодексининг нормаларига ушбу муҳим қўшимча киритилиши талаб қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мулкдорнинг мол-мулкидан воз кечиши унинг ихтиёрига боғлиқ эканлигини инобатга олиб, ФКнинг 191-моддаси биринчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилмоқ: **«Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё ёхуд унга мулкдорнинг мулк ҳуқуқидан воз кечган ашёси эгасиз ашё ҳисобланади».**

Бундан ташқари, ашёга бўлган мулк ҳуқуқини мулкдорнинг розилигисиз бекор қилиш ҳолатлар мавжуд. Бунақа ҳолатларга мулкдорнинг эрки билан боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга қўра ашёни йўқотиш таъллуқли. ФКнинг 191-моддаси («Эгасиз ашё») бунақа чеклашларн назарда тутмайди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг қиёсий таҳлили ундаги нормалар билан ФКнинг 191-моддасидаги нормалар ўзаро номувофиқ эканлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасига («Моддий маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши») мувофиқ моддий маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқи моддий маданий мерос объектдан текин фойдаланиш шартномаси ёки ижара муддати ўтганидан кейин фойдаланувчи фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечганда бекор қилинади. Аммо, бу ҳолатда мол-мулк эгасининг ихтиёри билан боғлиқ бўлмаган ҳолда қўчар мулкга бўлган мулк

ҳуқуқини йўқотиб қўйиш қоидалари тартибга солинмаган. Шу сабабли, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқорида келтириб ўтилган мулкдорнинг мол-мулкига бўлган мулк ҳуқуқининг тугатилиши мазмун-моҳияти очиқ берилиши ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган муаллифнинг таклифлари инобатга олиниши фуқаролик муомаласига аниқликларни киритади, ҳуқуқни қўллаш амалиётида нормаларни ҳар ҳил талқин қилинишини бартараф этади ҳамда мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шунингдек, ФКнинг 187-моддаси (Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) мувофиқ “Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида... ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат)”.

Аммо, Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунида ушбу норма мавжуд эмас.

Шунга кўра, ушбу қонун нормаларида эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни қайд этилиши, фуқароларнинг ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлган шахсларнинг номига уй-жойларни сотиб олиниши ҳамда ўзоқ муддат давомида эгалик қилиб, фойдаланса-да, лекин доимий пропискага ўта олмаслиги каби шикоятларни кескин камайишига олиб келади.

Тўртинчи бобнинг «*Мулк ҳуқуқининг ажралмас белгиси сифатида фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш муаммолари*» деб номланувчи иккинчи параграфида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи мулкдорнинг муҳим ҳуқуқи ҳисобланади, унинг ёрдамида шахсий, хўжалик ва бошқа эҳтиёжлар қаноатландирилади.

Диссертантнинг фикрича мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ундан фойдали хусусиятларни олишда намоён бўлади, хусусан, уни ижарага бериш, шахсан фойдаланиш, масалан, истъемол товарлар, қўрилиш материаллар ва бошқалар. Унинг фойдали хусусиятларини кийим-кечакни кийишдан, тақинчоқларни тақишдан, уйда яшашдан, ҳосилни йиғиб олиш ва бошқалардан олишимиз мумкин.

Олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, муаллиф эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи бир ёки бир нечта субъектлар қўлида бўлиши мумкинлиги айтиб ўтади.

Масалан, мулкнинг эгаси бўлмасдан ундан фойдаланиш мумкин, ва аксинча мулкнинг эгаси бўла туриб ундан фойдаланмасдан бошқа шахсга ушбу ҳуқуқни бериш мумки.

«*Фуқаролик муомаласи барқарорлигининг муҳим омили сифатида мулк ҳуқуқини тасарруф этишни амалга ошириш кафолатлари*»га бағишланган тўртинчи бобнинг якуний параграфи мулкни тасарруф этиш бўйича

мулкдорнинг ҳуқуқлари мазмуни тўғрисида миллий ва чет эл қоунчилиги, олимларнинг доктринал кўз-қарашлари тадқиқ этилди.

Параграф доирасида диссертант қўйидаги таклифларни илгари сўрмоқда. Хусусан, *биринчидан*, ФКнинг 857-моддасидаги ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкга нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширишни белгиловчи нормаларни чиқариб ташлашни асослантирилди.

*Иккинчидан*, ФКнинг 849-моддаси иккинчи қисмидаги «Мол-мулкни ишончли бошқарувчига топшириш бу мол-мулкга мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди» сўзларидан кейин, қўйидаги сўзлар билан тўлдириш таклиф этилди: «у мулкдор ёки у кўрсатган учинчи шахс манфаатида мол-мулкни бошқаришни амалга ошириш лозим».

*Учинчидан*, ФКнинг 855, 859-моддалари мазмунини қайта кўриб чиқиш, ҳамда ишончли бошқарувчи ўз мажбуриятлари олдида мулкдорнинг мол-мулки билан жавоб бермаслигини назарда тутувчи нормани киритиш зарурияти асослантирилди.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қўйидаги умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантиришга доир тавсиялар илгари сурилади:

### **I. Фуқаролик ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:**

1. Мулк тарихан ривожланаётган муносабат сифатида жамиятда ҳар ҳил оदारлар, гуруҳлар, ижтимоий қатламлар, давлат ва бошқалар ўртасида моддий бойликларнинг тақсимланишидир. У ёки бу мулкдорга тегишли бўлган мулк объектини ташкил қилувчи ёки тегишли шахснинг мол-мулки ҳисобланган моддий неъматларнинг мажмуаси бўлгани сабабли мулккий муносабат сифатида таърифланади.

2. Мулк ва мулк ҳуқуқи асосида бўладиган муносабатларга оид адабиётларни ўрганиш натижасида қўйидаги хулосага келинди, яъни мулк ҳуқуқи моддий бойликларнинг маълум шахсларга тегишлилигини белгиловчи, мустаҳкамловчи ва ҳимоя қилувчи юридик нормалар тизими бўлиб, мулкдорнинг ўзлаштирган мол-мулкка нисбатан тўлиқона эгалик қилиш, ўз манфаатлари йўлида ўз хоҳишига кўра унинг мазмуни ва фойдаланиш йўналишларини аниқлаш, унинг мўлжалидан келиб чиқиб унга нисбатан қонун йўл қўядиган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини беради.

3. Мулккий муносабатларнинг статик ва динамик жиҳатлари ўрганилди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатади, мулккий муносабатларда мол-мулкнинг ўзлаштирилиши статик ҳолатини белгилайди, яъни унинг

маълум шахсга маълум тарихий шароитда ўтганлигини ва бу амалдаги мулк муносабатларда ўз аксини топадиган бўлса, мол-мулкнинг динамик ҳолати асосан товар-пул алмашинуви муносабатлари ҳисобланиб, унинг тегишлигиги бўйича субъектнинг ўзгариши юз беради.

4. Мулк ҳуқуқи мутлақ характерга эга, чунки мулкдорнинг ихтиёри билан пайдо бўлади. Мулкдор мол-мулкни тўлиқ ва реал тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиши, унга нисбатан қонун билан тақиқланмаган ёки мол-мулкнинг ижтимоий табиатига қарши келмайдиган ҳақарактларни амалга ошириши мумкин. Шу тариқа, мулк ҳуқуқи мазмуни бўйича тўлиқ ашёвий ҳуқуқ ҳисобланади. Мулк ҳуқуқига салбий таъсир ўтказиш, шунингдек мулк муносабатларни инқилобий йўл билан ўзгартиш, улар ривожланишининг бўзилишига олиб келиши мумкин, ва ўз навбатида ижтимоий фалокат ҳамда шахс, жамият ва давлат манфаатлари учун ҳаёти муҳим салбий оқибатларга олиб келади.

5. Мулк ҳуқуқи ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Мулк инсоннинг ҳақиқий мустақиллиги асосини ташкил этади ва эртанги кунга бўлган ўзига ишончини белгилаб беради, шунинг учун давлат ўз зиммасига хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тахлсизлигини таъминлаш мажбурияти олган. Хусусий мулк ва мулкчиликнинг бошқа шакллари мавжудлиги ҳамда қонун даражасида белгиланиши мулк ҳуқуқини учинчи шахс аралашувидан ҳимоя қилиш ва кўриқлашнинг институционал кафолати бўлиб хизмат қилади, мулк ҳуқуқини таъминлашнинг омили ҳисобланади.

6. Ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар – ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятни куриш принципларига асослан давлат ва жамият куриш дастурларини амалга оширишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизимидир.

7. Мулк ҳуқуқини бўлиш ушбу ҳуқуқни ташкил қилувчи асосий элементлари билан мос келмайди, чунки шахснинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкни ўз хохишига кўра ва манфаати йўлида эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, шунингдек унинг мулк ҳуқуқига нисбатан ҳар қандай ҳуқуқбўзилишларни йўқ қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун, мулк ҳуқуқини умумий қоидага кўра мутлақ ва ўзгармаслигини тан олиш лозим.

8. Мулк тушунчасининг иқтисодий жиҳатлари мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг асосий омили сифатида одамларнинг иқтисодий ҳаётида, жамиятни ташкил этишда белгилаб берувчи ролни бажаради. Мулк муносабатларининг иқтисодий жиҳатлари одамлар ўртасидаги қўйидаги муносабатлардан иборат: маълум шахс томонидан маълум мол-мулкни ўзлаштириш билан ифодаланадиган одамлар ўртасидаги муносабатлар; шахснинг маълум мол-мулкга нисбатан ўз мулки сифатида муносабатда бўлиши; мулкдорнинг мол-мулкга нисбатан ўз хохиши ва манфаати йўлида муносабатда бўлиш; мулк эгаси томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқи ва манфаатларига риоя этиши; ўзлаштирилган мулкга нисбатан бошқа шахсларнинг ўзга мол-мулкга нисбатан муносабатлари;

мулкдорнинг мулкига тажовуз қилиш, уни фойдаланишда учинчи шахслар томонидан тўскинлик қилишига йўл қўйилмаслиги ва бошқалар.

9. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк ҳуқуқини тўсиқларсиз амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий жиҳат (шарт)ларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи; мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини амалга ошириш орқали бошқариш ҳуқуқи (траст); мулк объектдан фойдаланиш, жумладан мол-мулкни ижарага бериш йўли орқали даромад олиш ҳуқуқи, мерос ёки васият бўйича ашёнинг ўтишини киритишимиз мумкин.

10. Мулк ҳуқуқи субъектив ашёвий ҳуқуқ сифатида мазмунига кўра бошқа ашёвий ҳуқуқлардан анча кенгрок, чунки мулкдорга ўз хошишига кўра ва ўз манфаатлари йўлида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқи берилган. Мулкдорнинг ушбу барча ҳуқуқларга эга бўлиши мулк ҳуқуқининг тўлиқонлигидан, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни чиқариб ташлаш эса унинг тўлиқ эмаслигидан далолат беради.

Мулк ҳуқуқи қатор хусусиятларга эга, биринчидан, мулк кўп қиррали ҳисобланиб у мулкдорга ўз мулкидан эркин ва тўлиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича чексиз имконият, яъни барча ҳуқуқлардан юқори тўрган ҳокимиятни беради, бошқа шахсларга эса унинг манфаатига зид келадиган ҳаракатларни содир этишни чеклайди. Бундан ташқари, мулкдорнинг ўз мол-мулкига нисбатан ҳаракат ва ҳукмронлигини амалга оширишда ҳеч ким чеклашга ҳақли эмас, қонун ҳужжатлари бундан мустасно. Шунини таъкидлаш жойизки, ашёвий ҳуқуқнинг ҳеч бир субъекти мулкдор каби мол-мулкга нисбатан ҳукмронликга эга эмас, чунки улар мулк ҳуқуқининг фақат бир қисмига эга, у ҳам бўлса мулкдорнинг розилиги билан амалга ошириши мумкин.

11. Объектив мулк ҳуқуқи тушунчасини ташкил қилувчи элементларни қўйидаги турларга ажратилган: ушбу ҳуқуқни фуқаролик-ҳуқуқий усуллар орқали ҳимоя қилишни белгиловчи нормалар; мулк ҳуқуқини олиш ва тугатишга оид нормалар; мулкдор ҳуқуқларининг тавсифи ва мазмунини белгиловчи нормалар, жумладан, мулк ҳуқуқи объектнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги нормалар; мулк ҳуқуқи субъектининг бошланғич ҳуқуқий ҳолатини, унинг ашёсига дахлдор бўлиши мумкин бўлган келгусидаги муносабатларда иштирок этиш мумкин бўлиши билан боғлиқ қатъий белгиловчи нормалар.

12. Мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳар қил фуқаролик-ҳуқуқий моделларини қўйидаги туртта турига бирлаштириш мумкин: 1) ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини белгиловчи нормалар; 2) мулк ҳуқуқини олиш ва тугатишга оид нормалар; 3) мулкдор ҳуқуқи тавсифи ва мазмунини белгиловчи нормалар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи объектнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи нормалар; 4) мулк ҳуқуқи субъектининг бошланғич ҳуқуқий ҳолатини, унинг ашёсига дахлдор бўлиши мумкин бўлган келгусидаги муносабатларда иштирок этиш мумкин бўлиши билан боғлиқ қатъий белгиловчи нормалар.

13. Илк маротаба мулк ҳуқуқи элементар моделининг асосий белгилари аниқланди: а) мулкдорга ашё тегишлилигининг фуқаролик-ҳуқуқий

таъминланишига қаратилган мулк ҳуқуқи ҳимоясига бағишланган нормаларнинг мавжудлиги, бунда мол-мулк бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш қоидалари асосий ўринни эгаллайди; б) мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга мулк ҳуқуқининг объекти бўлмиш ижтимоий муносабатлар иштирокчиларини белгиловчи мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва тугатиш усули тўғрисидаги қоидалар; в) мулк ҳуқуқи субъектининг келгулисида вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бирламчи ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи нормалар. Ушбу мулк ҳуқуқи унга эгалик қилувчи томонидан амалга оширишнинг тартиб ва чегарасини белгилайди.

14. Мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш кафолатлари кўйидаги элементларни ўз ичига қамраб олади: 1) мулк ҳуқуқини амалга оширишга хизмат қилувчи юридик нормаларни мустаҳкамлаш; 2) давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек барча учинчи шахсларнинг мулк ҳуқуқини тўсиқларсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича мажбуриятларини белгилаш; 3) ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишни таъминловчи махсус нормаларни белгилаш; 4) мулкдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий, дисциплинар, маъмурий ёки жиноий каби юридик жавобгарликга тортилиши; 5) давлат ва нодавлат органлар фаолиятининг йўналиши сифатида мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш; 6) мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг кафолатларини кўшимча равишда қонуний тартибга солиш зарурияти.

15. Субъектив мулк ҳуқуқини амалга ошириш мулкдорнинг мақсад ва вазибаларига эришиш учун маълум моддий бойликни ўзлаштириш; фойда олиш, бошқа фойдали хусусиятларидан фойдаланиш ёки истеъмол қилишга қаратилган жараён ҳисобланади.

## **II. Амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

### **2.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштириш бўйича:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 3-моддаси иккинчи қисмини кўйидаги норма билан тўлдириш таклиф этилади, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг оқибати ва бу учун жавобгарликнинг келиши қоида тариқасида ФК нормалари билан тартибга солинади.

2. ФКнинг 4-моддасида («Фуқаролик қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши») фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини оғирлаштирувчи ёки кўшимча мажбуриятларнинг белгиловчи ҳолат юз берса, фуқаролик қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши тўғрисидаги қоидалар акс эттирилмаган. Шу муносабат билан, ФКнинг 4-моддаси нормаларини янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар

субъектлари ҳолатига жиддий ўзгаришлари олиб келувчи қоидалар (унинг айрим қисмлари)нинг кучга кириш муддатини кўрсатишни белгиловчи қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Шу сабабли, мазкур модданинг биринчи қисмига агар, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини оғирлаштирувчи ёки қўшимча мажбуриятларнинг белгиловчи ҳолат юз берса, фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучга эга эмаслиги ҳақида норма киритиш таклиф этилди.

ФКнинг 4-моддасини тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди. Унга кўра, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш таомилларининг оғирлашуви ва унинг иштирокчиларига янги мажбуриятларнинг юклашда, шунингдек, уларга нисбатан жавобгарликнинг янги чораларини белгилашла уларнинг (ёки уларнинг қисмлари) кучга кириш муддати кўрсатилиши шарт.

3. Тадқиқотни амалга ошириш давомида мулкдорнинг мол-мулкидан воз кечиши унинг ихтиёрига боғлиқ эканлигини инобатга олиб, ФКнинг 191-моддаси биринчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди: «Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё ёхуд унга мулкдорнинг мулк ҳуқуқидан воз кечган ашёси эгасиз ашё ҳисобланади».

4. ФКнинг 197-моддасида мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиш йўли билан бекор бўлади. Аммо, ФКда мулк ҳуқуқининг мазкур тарзда бекор қилинишининг мазмуни ва асоси келтирилмаган. Шу муносабат билан, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиш йўли билан бекор мулк ҳуқуқини бекор қилишнинг мазмуни ва асоси қонун ҳужжатларида очиб берилса ҳар хил талқин қилиш ва номувофиқликларни бартараф этган бўларди.

5. Мулк ҳуқуқи тақдири билан боғлиқ ноаниқликларни ҳамда мулк эгалари ҳуқуқларида ноаниқликларни вужудга келиши натижасидаги салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида ФКнинг мулк ҳуқуқига эга бўлишга оид нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Хусусан, ФКнинг 185-моддаси биринчи қисмини мулк ҳуқуқи инсофли эгалловчида ФКнинг 229-моддасида белгиланган мулкдорнинг даъвосини рад этиш учун асосларнинг мавжуд бўлган тақдирда пайдо булиши таклиф этилди.

6. Ашёга бўлган мулк ҳуқуқини мулкдорнинг розилигисиз бекор қилиш ҳолатлар мавжуд. Бунақа ҳолатларга мулкдорнинг эрки билан боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра ашёни йўқотиш таъллуқли. ФКнинг 191-моддаси («Эгасиз ашё») бунақа чеклашларн назарда тутмайди. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларининг қиёсий таҳлили ундаги нормалар билан ФКнинг 191-моддасидаги нормалар ўзаро номувофиқ эканлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасига («Моддий маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқининг бекор қилиниши») мувофиқ “моддий маданий мерос объектдан фойдаланиш ҳуқуқи моддий

маданий мерос объектдан текин фойдаланиш шартномаси ёки ижара муддати ўтганидан кейин фойдаланувчи фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечганда” бекор қилинади. Аммо, бу ҳолатда мол-мулк эгасининг ихтиёри билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кўчар мулкга бўлган мулк ҳуқуқини йўқотиб қўйиш қоидалари тартибга солинмаган. Шу сабабли, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

7. ФКнинг 206-моддаси («Мулкдорнинг мол-мулкни бевосита олиб қўйишга қаратмаган ҳолда мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши») тўртинчи қисмини мулкдорнинг мулк ҳуқуқини тугатишга олиб келадиган қарорга норози бўлган ҳолатда суд ушбу қарорнинг қонунийлиги ва асосийлигини текшириб низо ҳал қилмагунга қадар қарор амалга оширилмаслигини назарда тутувчи норма билан тўлдириш таклиф этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг юридик кучи юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақидаги нормаларининг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлаш мақсадида ФКнинг 207-моддасини учинчи қисм билан тўлдириш, яъни мулкдор билан давлат органлари юндан ўзаро муносабатларда мулкдор ҳуқуқининг устуворлиги принципи амал қилади, бунга мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар мулкдор фойдасига ҳал этилади ва бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мос келмоқда.

9. ФКнинг 207-моддасини («Хусусий мулк ҳуқуқи») хусусий мулкни амалга оширишда давлат ва бошқа органлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан ноқонуний аралашувига йўл қўймасликни белгиловчи тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди. Шунингдек, давлат органи, ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ноқонуний қарор (ҳужжат) қабул қилиниши ёки уларнинг мансабдор шаслари томонидан содир этилган ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлик) натижасида мулкдорга етказилган харарни қоплаш кафолатларини таъминлаш мақсадида Иқтисодий процессуал кодексига даъвогарнинг аризаси бўйича таъминлаш чораларини кўриш шартлилигини белгиловчи нормалар киритиш таклиф этилган.

10. ФКнинг 857-моддасидаги ишончли бошқарувчи қонунда ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган доирада ишончли бошқаришга топширилган мол-мулкга нисбатан мулкдор ҳуқуқларини амалга оширишни белгиловчи нормаларни чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. ФКнинг 849-моддаси иккинчи қисмидаги «Мол-мулкни ишончли бошқарувчига топшириш бу мол-мулкга мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди» сўзларидан кейин эса, қўйидаги сўзлар билан тўлдириш таклиф этилди: «у мулкдор ёки у кўрсатган учинчи шахс манфаатида мол-мулкни бошқаришни амалга ошириш лозим».

11. Кундалик ҳаётда тез-тез учраб турадиган айрим жисмоний, юридик шахслар томонидан кўшни уйларга газ, чанг, ёқимсиз ҳид, шовқин-сўрон ёки силжишлар, кўшнилари розилигисиз бинони қуриш каби зарарли таъсирлар ўтказишдан ҳимояланиш мақсадида ФКнинг нормаларида негатор даъвосини шартлари сифатида кўшни участкасига газ, чанг, ёқимсиз ҳид, шовқин-сўрон ёки силжишлар, кўшнилари розилигисиз бинони қуриш каби зарарли таъсирларга оид қоидаларни киритиш зарурияти келди.

12. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид нормалар йўқ. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси томонидан тартибга солинмаса ҳам анча вақтдан буён амалиётда мавжуд. ФКнинг 2-моддаси («Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар») талабларига мувофиқ ушбу муносабатлар фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солиниш шарт. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қонунлар ФКнинг 3-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ улар Фуқаролик кодекси нормаларига мос келиши шарт, ва бу белгиланмаган. Шу сабабли келгусида ушбу нормаларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

13. Мулкдор фаолиятидаги у ёки бу мол-мулкга бўлган ҳуқуқни тан олиш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек чет эл давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласига оид ФКнинг 19-бобида мулкдор ўзинг мулк ҳуқуқини талаб этиш ҳуқуқига эга эканлигини акс эттирувчи алоҳида моддани киритиш лозим деб ҳисоблайди.

14. Қонун чиқарувчи томонидан бир қатор қонунларда тасарруф этиш ҳуқуқини ҳар ҳил таҳрирда белгиланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётида ушбу категорияни ҳар ҳил талқин этишга саба бўлмоқда, ва ўз навбатида мол-мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини камситилишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ушбу категория ва мулк ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқларга аниқ ва яхлид қонуний тушунчасини бериш мақсадга мувофиқ.

15. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни нормаларида ер участкалари, бошқа мол-мулкни унинг қонуний эгасидан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун тортиб олиш ҳолатларини аниқ кўрсатиш лозим. Бундан ташқари, тенг қийматли бошқа ер участкасини тақдим этиш, бозор қиймати билан тенг бўлган дов-дарахт жойлашган бошқа мол-мулкни бериш, бузилаётган иморатлар, иншоотлар, уларни кўчириш ёки бошқа бино ва иморатларни қуриш, етказилган барча зарарлар, шу жумладан бой берган дароматлар тўла ҳажмда қопланиш тартибини белгилаш лозим.

## **2.2. Бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича:**

1. Мулк ҳуқуқи кафолатларини мустаҳкамлаш ва қонун ҳужжатлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида миллий ҳамда чет эл инвесторларга

тенг ҳуқуқлар бериш, миллий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чораларининг механизмларини акс эттирувчи «Чел эл инвесторлари ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни мисолида махсус қонун қабул қилиш; фуқаролик муомала субъектларини қонунчиликда юз беришни режалаштирилаётган ўзгартишларнидан хабардор қилиш, улар фикрларининг рўйхатини ўтказиш; мулк ҳуқуқини амалга оширишни, мулк муомалада субъектлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминловчи барқарор, шаффоф ва ҳимоя қилувчи механизмларни шакллантириш; мулк ҳуқуқи масаласини тартибга солишда қонун ости ҳужжатлар сони ва ролининг қўпайишига йўл қўймаслик; позитив қонунларга табиий-ҳуқуқий асосларни жорий этиш; оммавий онгда барқарор ҳуқуқий урф-одатларни шакллантириш; дунё иқтисодиёти, халқаро ҳуқуқ ва глобаллашув шароитида интеграция жараёнини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликни доимо модернизация қилиш мақсадга мувофиқ.

2. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини инобатга олган ҳолда ҳозирги кунда ҳам ео участкалари, хусусий мулкдорларнинг мол-мулкига тажовуз қилиш ҳолатлари учратишимиз мумкин, ва ушбу ҳаракатга йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддаси («Мулкдорнинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари») иккинчи қисмида ҳуқуқ эгасидан ер участка, бошқа мол-мулкни, жумладан давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйиш қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганда, бозор қиймати билан тенг бўлган дов-дарахт жойлашган бошқа мол-мулкни бериш, бузилаётган иморатлар, иншоотлар, уларни кўчириш ёки бошқа бино ва иморатларни қуриш, етказилган барча зарарлар, шу жумладан бой берган дароматлар тўла ҳажмда қопланиш тартибини белгилаш талиф этилди. Шу билан бирга, “давлат ва жамият эҳтиёжлари”нинг маъно-мазмунини Фуқаролик кодекси нормаларида тўлиқ очиб берилиши ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги №ПФ-5780-сонли Фармонининг 5-бандида “2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгаллигида бўлган, улар

фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилсин”<sup>4</sup> деб қайд қилинган. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, агарда муайян ҳудуд ҳокимлари ушбу Кенгашларга бошчилик қилар экан, Фармонни қабул қилишдан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунингдек, ҳар қандай ўзганинг мол-мулкани олиб қўйишлар суд тартибида амалга оширилиши ва ҳал этилиши лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 августдаги “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5491-сонли Фармойиши 2-бандида “Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 5 августдан бошлаб, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, бошқа мақсадларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ер участкаларини олиб қўйиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиш ишлари қуйидаги босқичлардан иборат тартибда амалга оширилади:

биринчи босқичда - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан бузилиши режалаштирилган ҳудуд бўйича материаллар тўплами Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади;

иккинчи босқичда - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида шаҳарсозлик талаблари бўйича - Бош вазирнинг биринчи ўринбосари - транспорт вазири А.Раматов ва молиявий ҳисоб-китоблар бўйича Бош вазирнинг ўринбосари - молия вазири Ж.Қўчқоров томонидан хулоса тайёрланади;

учинчи босқичда - тайёрланган хулоса Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун киритилади”<sup>5</sup>- деб белгиланган. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тартибда ҳам, ҳал қилувчи қарорларни ижро этувчи ҳокимият вакиллари қабул қилиниши белгиланган бўлиб, улар мулкдорларнинг ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда манфаатдор шахс ҳисобланадилар. Шунга кўра, юқорида айтиб ўтганимиздек, мулкдорларнинг ҳар қандай мулкани олиб қўйишлар фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши лозим, бу эса ўз навбатида демократик ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

3. ЖПКнинг 211-моддаси («Жинойт ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар») биринчи қисми биринчи хатбошисини қўйидаги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда, яъни агар у ёки бу ашё (мол-мулк) унинг эгасига билдирмасдан ва розилигисиз жиноят курули сифатида фойдаланилган бўлса, у мусодара қилинмайди, тегишли ташкилотга юборилмайди ёки йўқ қилинмайди ЖПКнинг 211-моддаси («Жинойт ишини юритиш тамом бўлганлиги муносабати билан ашёвий далиллар тўғрисида қабул

<sup>4</sup> ИПС //«Норма-Client-Законодательство РУз-Плюс».

<sup>5</sup> ИПС //«Норма-Client-Законодательство РУз-Плюс».

қилинадиган қарорлар») биринчи қисми биринчи хатбошисини қўйидаги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда, яъни агар у ёки бу ашё (мол-мулк) унинг эгасига билдирмасдан ва розилигисиз жиноят қуроли сифатида фойдаланилган бўлса, у мусодара қилинмайди, тегишли ташкилотга юборилмайди ёки йўқ қилинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ўз ичига кўп сонда ҳаволаки нормаларни қамраб олиб, муаллақ қонун бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мазкур Қонун 21 моддадан иборат бўлса, 15 ҳаволаки нормаларни қамраб олади, хусусан, 7-модданинг иккинчи қисми (*Буюртма оммавий мулк объектларини тасарруф этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади*), 8-модданинг учинчи қисми (*қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар бериш, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш қисмини бепул бериш имконияти*), 9-модданинг иккинчи қисми (*Оммавий мулк объекти қийматининг давлабки баҳоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади*) ва бошқа шу каби нормалар ушбу Қонуннинг тўғридан-тўғри амал қилишига тўсқинлик қилади.

5. ФКнинг 187-моддаси (Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат) мувофиқ “Мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида... ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат)”.

Аммо, Ўзбекистон Республикасининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунда ушбу норма мавжуд эмас. Шунга кўра, ушбу қонун нормаларида эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни қайд этилиши, фуқароларнинг ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлган шахсларнинг номига уй-жойларни сотиб олиниши ҳамда ўзоқ муддат давомида эгалик қилиб, фойдаланса-да, лекин доимий пропискага ўта олмаслиги каби шикоятларни кескин камайишига олиб келади.

### **III. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича илмий фикрлар ва тавсиялар:**

1. Мулк ҳуқуқи кафолатларини кўчайттириш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси иккинчи қисмида белгиланган мулк кафолатларининг чекланишига, яъни мулкдор ўз мулкидан бошқа ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида эмас, фақат қонун асосида чекланишга риоя қилиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун нормаларини ҳар ҳил талқин қилишга йўл қўймаслик мақсадида унда мол-мулкни олиб қўйишнинг тўлиқ, аниқ ва очиқ асослар рўйхати, вкжудга келиш тартиби ва қоидасини белгилаш лозим. Тенг баҳоланиш принципини амалга ошириш шарт асосида мулк ҳуқуқини олиб қўйишнинг чегарасини

белгилаш талаб этилади. Бошқача айтганда, қонун нормалари мол-мулкни ноқонуний олиб қўйиш энг оғир тажовуз эканлигини ва бу учун ҳуқуқий санкция тегишли равишда эканлигини белгиловчи мазмундан иборат бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, мулкни олиб қўйиш олдиндан ва тенг баҳолаш усули билан бошқа маъмурий орган эмас, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилишини белгиловчи конституцион қонун қабул қилиш лозим.

2. Маъмурий орган томонидан мусодарага оид қарорларни қабул қилиш ҳуқуқини чиқариб ташлаш мулк ҳуқуқи кафолатларини мустаҳкамлайди, ишни суд тартибида кўриб чиқиш эса қабул қилинаётган қарорнинг қонуний, асосли, адолатли ва ақлга созворлигини, шунингдек мулкдорнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳисобга олиш ва ҳимоя қилишни таъминлайди.

3. Ташкилий-ҳуқуқий кафолатлар мулк ҳуқуқи кафолатларини кўчайттириш учун муҳим аҳамиятга эга. Уларга қўйидагилар киради: нафақат сиёсий ва иқтисодий барқарорсизликни енгиб ўтадиган, балки чет эл инвестицияларни жалб қилишни таъминладиган муносиб норматив-ҳуқуқий база яратиш. Чунки ушбу кафолатларни амалга оширишнинг асосий шартлари сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, бу инвесторларга ўз инвестициясидан фойда олишни кафолатлайди. Чел эл инвестиция соҳасида ҳуқуқий муносабатларга хизмат қилувчи ва тартибга солувчи ҳуқуқий институтларни яратиш демократик ҳуқуқий давлат ҳуқуқий тизимининг зарур элементи ҳисобланади ва бозор муносабатларининг ривожланишига хизмат қилиб уўбу кафолатларнинг қисми ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жойизки, мамлакатга чет эл инвестицияларнинг кириб келишини таъминлайди, бюрократик тўсиқларни йўқ қилади, маъмурий таомилларнинг шаффофлашуви ва соддалашувига хизмат қилади.

4. Тадқиқот жараёнида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши халқаро тажрибаси шунини кўрсатади-ки, сиёсий хавф омилларининг йиғиндиси ҳуқуқий тартибга солиш режимига асосланади. Ҳуқуқий тартибга солишни ташкил қилувчи муҳим элемент мулк ҳуқуқини белгиловчи ва таъминловчи, инвесторларга минимал ҳуқуқларни берувчи ва давлатда қулай инвестицион муҳитни яратиш соҳасида босқичма-босқич сиёсатини олиб борувчи ва инвесторлар ҳуқуқларини камситишга йўл қўймайдиган кучли давлат тузилмалари мавжуд ўзгармас қонунлар ташкил этади

5. Қонунчиликнинг барқарор ва тўлиқ норматив-ҳуқуқий базани яратишдан кутилаётган муҳим вазифаларнинг бири – чет эл хусусий капитални кириб келишини уларга сиёсий ёки ноижорат таваккалчиликни ташкил этувчи юридик кафолатлар бериш йўли билан таъминлаш ҳисобланади, ва қўйидагилардан иборат: а) чет эл сармоёдаги корхонанинг национализация бўлишидан кафолатлар; б) маблағни ўтказиш ва даромадни олиб чиқишда конвертация бўлмайдиган валютадан кафолатлаш; в) ижтимоий офатлар ва бошқалардан инвестицияга зарар келишидан кафолатлар.

6. Қонун ости ҳужжатларнинг қонунларга нисбатан кўплиги, ва уларнинг ҳам инвестиция, ҳам иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларини

тартибга солишини салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки, мазкур ҳужжатлар уни қабул қилиш ҳуқуқига эга орган манфаатидан, мулкчилик муносабатларнинг бошқа субъекти манфаатлари инobatга олинмасдан қабул қилиниши мумкин. Қонуности ҳужжатлар сонининг кўплиги ва иқтисодий фаолиятни тартибга солишда ролининг кучайиши уларни қўллашда қийинчиликлар, қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлишига, шунингдек бошқа салбий натижадалрга олиб келиши мумкин.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.30.08.2018.Yu.74.01 AT THE MILITARY-TECHNICAL INSTITUTE  
OF THE NATIONAL GUARD OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

---

**THE MILITARY-TECHNICAL INSTITUTE  
OF THE NATIONAL GUARD OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**CHINIEV DILSHOD ABDIMUMINOVICH**

**CIVIL ASPECTS OF THE REALIZATION AND PROTECTION OF  
PROPERTY RIGHTS**

**12.00.03-Civil law. Business law. Family law. Private international law**

**DOCTORAL (DSC) DISSERTATION ABSTRACT  
ON LEGAL SCIENCES**

**Tashkent – 2019**

**The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2019.3.DSc/Yu108.**

The Doctoral dissertation has been prepared at the Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian and English (resyme)) on the Information educational portal «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Scientific consultant:**

**Omonboy Oqyulov**

Doctor of Science in Law, Associate Professor

**Official Opponents:**

**Imomov Nurillo Fayzullayevich**

Doctor of Science in Law, Professor

**Nasriyev Ilhom Ismoilovich**

Doctor of Science in Law, Professor

**Muhammadiyev Ayubxon Abdurahmonovich**

Doctor of Science in Law, Associate Professor

**The leading organization:**

**The Customs Institute under the Customs  
Committee of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on \_\_\_\_\_, 2019 at \_\_\_\_\_ at the session of the Scientific Council DSc.30.08.2018.Yu.74.01 at the Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan. (Address: 100109, Tashkent city, Zangiota District, Chorsu fortress tel: (99871) 230-32-71; fax: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of the Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan (registered under No. \_\_\_\_), (Address: 100109, Tashkent city, Zangiota District, Chorsu fortress tel: (99871) 230-32-71; fax: (99871) 230-32-50).

Dissertation abstract was circulated «\_\_»\_\_\_\_\_ 2019.

(Registry protocol №.\_\_\_\_ from «\_\_»\_\_\_\_\_ 2019).

**M.Kh. Rustambaev**

Chairman of the Scientific Council  
awarding scientific degrees, Doctor of  
Science in Law, Professor

**M.M.Nurmatov**

Secretary of the Scientific Council for  
awarding scientific degree, Doctor of  
Science in Law, Associate Professor

**M.B.Usmonov**

Chairman of the Scientific Seminar at the  
Scientific Council awarding scientific  
degrees, Doctor of Science in Law,  
Professor

## INTRODUCTION (abstract of doctoral (DSc) thesis)

**The aim of the research** is to develop proposals to address the problems of implementation and protection of property rights and finding ways to improve civil and other acts of legislation, as well as to improve the effectiveness of their correct application in practice.

**The object of the research** is to study the social relations arising in the exercise and protection of property rights.

**The scientific novelty of the research** is as follows:

it justifies the need for the court to provide damages for losses incurred by the owner as a result of the adoption of an illegal decision (act) of a state body, self-government body of citizens or the commission of illegal actions (inaction) of their officials, as well as the adoption of security measures at the request of the plaintiff

in order to strengthen the guaranteed protection of private property, business entities, remove obstacles to their accelerated development, it was proposed to introduce a mechanism for seizing property by an inquiry officer and investigator only with the sanction of a prosecutor;

considering the priority of the rights of the owner and entrepreneurs in relations with state, law enforcement and regulatory authorities, as well as to ensure that all small businesses apply tax, customs benefits and preferences provided to them by law, it is proposed to include a rule on the application of these privileges without their written appeal authorized bodies, as well as a norm obliging state bodies to clarify the procedure for applying benefits and preferences, provided by the legislation and ensure their application;

as international experience in the development of international economic relations shows, the totality of political risk factors is based on a legal regulation regime. In this regard, the need for unchanging laws providing and establishing property rights, minimum rights of investors and strong state structures that can prevent infringement of these rights and pursue a consistent policy in the field of creating a favorable investment climate in the state, etc., is justified.

**Implementation of research results.** The results of the scientific work were used in the following:

Proposals for amendments and additions to article 206 of the Civil code of the Republic of Uzbekistan (hereinafter – the civil code of Uzbekistan.) and articles 76-77 of the code of Economic procedure of the Republic of Uzbekistan (hereinafter-COD RUz.) used in the preparation of the Law of the Republic of Uzbekistan (hereinafter - ZRU) dated August 20, 2015 №ZRU-391 "on the amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan aimed at further strengthening the reliable protection of private property, business entities, removal of barriers to their accelerated development" (act of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan №14 dated 05.04.2016).

Proposals for amendments and additions to the fifth part of article 290 of the Criminal procedure code of the Republic of Uzbekistan (hereinafter – the code of criminal procedure.), articles 1923, 1924, 1928, 1929 and 2416 of the Criminal

code of the Republic of Uzbekistan (hereinafter – the criminal code.), as well as the first part of article 27 and articles 2418, 2419, 24110 of the Code of the Republic of Uzbekistan on administrative responsibility (hereinafter - Liabilities) used in the preparation of ISG as of August 20, 2015 №ZRU-391 "About modification and additions in some legislative acts of the Republic of Uzbekistan, aimed at further enhancing reliable protection of private property, businesses, and removing barriers to their accelerated development" (the act, the Ministry of justice No. 1 of 05.05.2016 g).

Suggestions for amendments and additions to part one of article 5 of the CDD "On state customs service", part six of article 19 of the switchgear "On protection of private property and guarantees of owners' rights" and part four of article 25 and 301 of the Law "On guarantees of freedom of entrepreneurship" has been used when conducting a due diligence CDD August 20, 2015 №ZRU-391 "About modification and additions in some legislative acts of the Republic of Uzbekistan, aimed at further enhancing reliable protection of private property, business entities, removal of barriers for their accelerated development" (act of the Institute for monitoring of current legislation under the President of the Republic of Uzbekistan No. 02-07/179 dated 06.05.2016).

Suggestions for amendments and additions to article 211 of the Criminal procedure code used by the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in the preparation of the Law of the Republic of Uzbekistan dated October 16, 2017 №ZRU-448 "About modification and additions in some legislative acts of the Republic of Uzbekistan" and article 76 of the commercial procedural code of the Republic of Uzbekistan used by the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in the preparation of the law of the Republic of Uzbekistan from 24.01.2018, № ZRU-461 "On approval of the Economic procedural code of the Republic of Uzbekistan". (act of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 16 of 26.04.2019).

**The volume and structure of the thesis.** The thesis consists of an introduction, four chapters, conclusion, list of references and applications. The volume of the thesis is 260 pages.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; I part)**

1. Чиниев Д.А. Гарантии осуществления права собственности в Республике Узбекистан. Монография. – Ташкент, 2014. – 172 с.;
2. Чиниев Д.А. Укрепление гарантий осуществления права собственности как важный фактор дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Вестник Ташкентского государственного юридического института. – Ташкент, 2011. – № 2. – С. 27-28. (12.00.00; № 15);
3. Чиниев Д.А. «Конституциявий – ҳуқуқий кафолат» // Юрист – Ташкент, 2011 – № 4. – С. 14. (12.00.00; № 10);
4. Чиниев Д.А. Реализация основных прав и интересов человека в контексте проводимых реформ // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2011. – № 12. – С. 70-72. (12.00.00; № 3);
5. «Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати» // Юрист – Ташкент, 2012 – № 4. – С. 26-27. (12.00.00; № 10);
6. Чиниев Д.А. О характерных особенностях системы гарантии права собственности // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014. – № 6. – С. 84-86. (12.00.00; № 3);
7. Чиниев Д.А. Гарантии права собственности // Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014. – № 4. – С. 52-54. (12.00.00; № 10);
8. Чиниев Д.А. Значение гарантии в реализации экономических и социальных прав граждан // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014. – № 10. – С. 81-85. (12.00.00; № 3);
9. Чиниев Д.А. Юридические гарантии осуществления и защиты права собственности // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. – № 3. – С. 78-80. (12.00.00; № 3);
10. Чиниев Д.А. СОВАЗ – как неперемное условие обеспечения стабильности законодательства // Демократизация и права человека. Научно-просветительский журнал. – Ташкент, 2015. – № 3 (67). – С. 120-122. (12.00.00; № 5);
11. Чиниев Д.А. О некоторых аспектах совершенствования гарантии осуществления и защиты права частной собственности // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. – № 7. – С. 69-71. (12.00.00; № 3);
12. Чиниев Д.А. Гарантии права собственности – важный фактор осуществления, охраны и защиты правомочий собственника // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. – № 11. – С. 74-77. (12.00.00; № 3);
13. Чиниев Д.А. Организационно-политические гарантии – важный фактор реализации и защиты права собственности // Вестник Высшего

хозяйственного суда Республики Узбекистан. Правовое, научно-практическое издание. – Ташкент, 2016. – №2. – С. 75-79. (12.00.00; № 3);

14. Чиниев Д.А. Качественные и устойчивые акты законодательства как непереносимое условие осуществления права собственности // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. Правовое, научно-практическое издание. – Ташкент, 2016. – №5. – С. 75-80. (12.00.00; № 3);

15. Чиниев Д.А. Пределы и ограничения права собственности по законодательству зарубежных стран // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. – Москва, 2015. – № 5(54). – С. 877-883. (12.00.00; № 10);

16. Чиниев Д.А. Законодательные гарантии права собственности – важный фактор укрепления прав и интересов собственника // Вестник Каракалпакского государственного университета. – Нукус, 2015. – № 4. – С. 97-100. (12.00.00; № 8);

17. Чиниев Д.А. О некоторых аспектах передачи имущества в доверительное управление // Вестник высших учебных курсов Генеральной прокуратуры. – Ташкент, 2016. – № 1 (25). – С. 35-37. (12.00.00; № 11);

18. Чиниев Д.А. Установление гарантии права собственности как важное условие его осуществления и защиты // Российская юстиция. – Москва, 2016. – № 7. – С. 11-14. (12.00.00; № 22);

19. Chiniev D.A. The Implementation of the property right is the important attribute of the property right // International Journal of Advanced Research. – India, 2016. – №4(10). – P. 1982-1988;

20. Чиниев Д.А. Гражданско-правовые аспекты осуществления и защиты права собственности. Монография. – Ташкент, 2017. – 272 с.;

21. Чиниев Д.А. Актуальные проблемы осуществления права собственности в Республике Узбекистан. Монография. – Ташкент, 2019. – 264 с.;

### **II бўлим (II часть; II part)**

22. Чиниев Д.А. Укрепление гарантии осуществления права собственности как важный фактор дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Бозор, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Сборник материалов научно-практического «круглого стола». – Ташкент, ТГЮУ, 2014. – С. 70-73.

23. Чиниев Д.А. Функционирование системы социально-ориентированных рыночных отношений как гарантия реализации права собственности // Кексаларни жамиятимизда миллий маънавият, тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга қўшган бебаҳо хиссаси давлат ва жамият эътирофида: илмий-амалий конференция. – Ташкент, ТГЮУ, 2014. – С. 50-55.

24. Чиниев Д.А. О некоторых аспектах реализации права собственности в Республике Узбекистан // Вопросы правового регулирования деятельности

субъектов предпринимательства и её управления: Сборник научных статей. – Ташкент, ТГЮУ, 2015. – С. 45-48.

25. Чиниев Д.А. О некоторых аспектах происхождения права собственности и его эволюционного развития // Актуальные проблемы государства и права: Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, ТГЮУ, 2015. – С. 520-526.

26. Чиниев Д.А. Защита прав и интересов собственника – необходимое условия осуществления права собственности // Сборник материалов IV Международной научной конференции. – Москва, 2015. – С.151-155.

27. Чиниев Д.А. Гарантии осуществления и защиты права собственности – важный фактор привлечения инвестиций в экономику государства // Халқаро ҳуқуқнинг долзарб муаммолари: назария амалиёт масалалари: Сборник материалов VI республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 2015. – С.116-123.

28. Чиниев Д.А. Значение защиты права собственности и её реализация в законодательстве Республики Узбекистан // Актуальные проблемы реформирования органов внутренних дел Республики Таджикистан: Материалы международной научно-практической конференции. – Душанбе, 2015. – С. 284-288.

29. Чиниев Д.А. Законодательные гарантии права собственности – главное условия его существования и защиты // Процессы трансформации в праве, региональной экономике и экономической политике: актуальные проблемы экономико-политического и правового развития: Сборник научных публикаций по материалам IV международной научно-практической конференции. – Рига, 2016. – С. 434-439.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг  
“Ахборотномаси” журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди.

Босишга рухсат этилди: 11.09.2019  
Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»  
гарнитурада рақамли босма усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 4,75. Адади: 100. Буюртма: № 50

100060, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»  
босмаҳонасида чоп этилди.